O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 апрель пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 82 (2910)



## Сессиядан кейинги ўйлар

# ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Демократик анъаналарнинг ривожланиш жараёни мамлакат иқтисодий салоҳияти, фуқаролар савиясининг юқорилиги ва уларнинг сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг орзу-истаги демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва адолатли фуқаролик жамиятини бунёд қилишдан иборатдир. Жорий йилнинг 27 январь куни ўтказилган умумхалқ референдумида фуқароларимиз юксак сиёсий фаоллик кўрсатишганини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда мамлакатимизда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим саволга ижобий жавоб олинди. Референдумда иштирок этган ҳар бир фуқаро мамлакатимиз келажагига, унинг ҳукумати олиб бораётган халқчил сиёсатга бефарқ эмаслигини намоён этди. Бу эса халқимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганига яна бир далилдир.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси референдум қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ва уларни амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган муҳим қонун ҳужжатларини қабул қилди. Бу ўринда Олий Мажлис томонидан 4 апрелда қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур Конституциявий қонун халқ иродасини ифода этибгина қолмай, ислоҳотларнинг кейинги босқичи учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, тараққиётнинг ҳаётий принципларини ва йўналишларини белгилаб беради.

Референдум қарорларининг ҳуқуқий ижросини таъминлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциявий қонуннинг аҳамияти беқиёс. Ушбу сиёсий ҳужжат бир томондан давлат ҳокимияти олий органларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берса, иккинчи томондан, уларни амалга ошириш учун муҳим дастуруламал вазифасини ўтайди.

Конституциявий қонуннинг 2-моддасида бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, очиқ демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда референдумда билдирилган халқ иродасига таяниш, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир ишларни қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тизимлари ўртасидаги мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш, давлат ва жамият сиёсий ҳаётини янада эркинлаштириб бориш каби асосий принциплар белгиланган.

Мамлакатимиз босиб ўтган йўл мана шу тамойилларнинг нақадар зарурлиги, уларга риоя қилиш давлат ҳокимиятининг самарали фаолият кўрсатишида муҳим йўналишлардан эканлигини амалда исботлади. Зеро, икки палатали парламент тизимини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда бундай қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жуда муҳим. Бу эса парламентнинг келгусидаги умумий фаолияти, унинг юқори ва қуйи палаталари самарали ишлаши учун таъсирчан омил бўлиб ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

# Зомин яйловларида

Зомин туманида чорвачилик етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Бу ерда соҳани ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Кенг яйловлар, бепоён қир-адирларда минглаб қорамоллар, қўй-қўзилар ва отлар парвариш қилинмоқда. «Ширин» ширкат хўжалиги қоракўлчиликка ихтисослашган бўлиб, ҳозир бу ерда чўпонлар учун энг масъулиятли бўлган қўзилатиш мавсуми ниҳоясига етмоқда.

Мазкур муҳим ишда Бахтиёр Соатмуродов бош бўлган отар жамоаси юқори кўрсаткичларга эришди. Мавжуд 303 бош совлиқнинг ҳар юзтаси ҳисобига 106 бошдан қўзи олинди.



***СУРАТДА:** бош чўпон Бахтиёр Соатмуродов ва чўпон Ихтиёр Пардаевлар тўл олиш натижаларидан мамнун.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон-АҚШ: Буюк ўзгаришлар сарчашмаси



Узоқ муддатли ҳамкорликдан ҳар икки мамлакат халқлари манфаат кўради

Маълумки, АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва дипломатик алоқалар ўрнатган эди. Ўтган ўн йил мобайнида ўзаро муносабатлар барқарор ривожланиб борди. Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил ёзида АҚШга қилган сафари, ташриф чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ҳамкорлик равнақида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Халқаро анжуманлар, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида икки давлат раҳбарларининг мулоқотлари эса ўзаро ишонч, ҳамфикрлик муҳитини яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги самараларини ҳар қадамда кўриш мумкин. Мамлакатимизда АҚШ билан ҳамкорликда 70 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда. АҚШ сармояси иштирокидаги 300 дан ортиқ корхона саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, газ-кимё, нефть, олтин қазиб олиш, транспорт, коммуникация ва таълим соҳаларида самарали фаолият олиб боряпти. «Зарафшон-Нъюмонт», «Ўз-Тексако», «Ўз-Кейсмаш», «Ўз-Эксайд» сингари йирик қўшма корхоналар, «Акселс» сингари жамғармалар амалга ошираётган ишлар бунга мисол бўла олади. Масалан, «Зарафшон-Нъюмонт» қўшма корхонаси олтин ажратиб олинган маъданларни замонавий жиҳозларда қайта ишлаб, қимматбаҳо маҳсулот олмоқда. Шу кунгача бу ерда юксак сифатли олтин ишлаб чиқаришга эришилди. Энг муҳими, бу ерда ишлаётган мутахассисларнинг аксарияти маҳаллий ёшлардир. Ёки бўлмаса, «Би-Эс-Ай» компанияси билан ҳамкорликда қурилган Хўжаобод ер ости газ омбори ва Шўртан газкимё мажмуаларини олайлик. Мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу улкан иншоотлар қисқа вақтда қуриб битказилди.

Икки мамлакат давлат раҳбарлари ташаббуси билан таъсис этилган Ўзбекистон—АҚШ қўшма комиссияси фаолияти ўзаро муносабатларни жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Комиссиянинг йиғилишларида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгиланмоқда, биргаликдаги лойиҳалар йўлидаги сунъий тўсиқлар олиб таш-

(Давоми 2-бетда).

## БАҲОРНИНГ ҲАР ДАМИ ҒАНИМАТ

Қашқадарёда қишлоқ хўжалигига оид долзарб вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда қишлоқ хўжалигига дахлдор вилоят ташкилотлари, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда вилоят далаларида ғалла парвариши, чигит экиш ва плёнка остида ўстирилган ғўзага дастлабки ишлов бериш борасидаги ишларнинг боришини ўрганиб чиққан республика ишчи гуруҳининг ахбороти тингланди. Далалардаги ғалланинг бугунги аҳволи, ҳосил пишиб етулгунга қадар озиқлантириш, касаллик ва зараркундалардан асраш, суғориш борасида ўтказилиши лозим бўлган ишларни кўнгилдагидек ташкил этиш бўйича олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилди. Косон, Ғузор, Нишон туманларида ғалла парвариши ва чигит экишда йўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилди.

Чигит экишни 25 апрелгача тўлиқ тугаллаш, ғалла парваришида агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш ва ўрим-йиғим учун зарур техникаларни ҳозирдан мавсумга тахт қилиб қўйиш, мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Кенгашда вилоят ҳокими Б. Ҳамидов иштирок этди.

**А.ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.**

## БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАР СЕМИНАРИ

Навоий шаҳридаги "Ширин" маданият саройида ватанпарварлик мавзуида бўлажак офицерларнинг республика семинари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ҳарбий олий билим юртлари талабалари, вилоят мудофаа бошқармалари вакиллари, ҳарбий чақириқ ёшидаги йигитлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Ҳарбий билим юртида ўқишни истовчилар, аввало, жисмоний ва маънавий соғлом, айни пайтда республикамизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётидан яхши хабардор бўлиши лозим, — деди Тошкент электротехника алоқа институти махсус факультетининг ўқув ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари С.Парсаев. — Шу боис суҳбатлар, турли синовлардан сўнггина абитуриентлар тест имтиҳонига киритилади.

Семинарда чақириққача ёшларни тарбиялаш машғулотлари айрим жойларда ўта юзаки ўтилаётгани, кўпгина мактабларда ҳарбий хизматга тайёрлаш аҳволи замон талабидан орқада қолаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳарбий касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини аниқлаш ва рағбатлантириш борасида ота-она — мактаб — маҳалла ва ҳарбий билим юрти ҳамкорлиги билан боғлиқ вазифалар хусусида сўз борди.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Жанубий Кореянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти Минг Ҳёнг Ки раҳбарлигидаги делегация аъзолари 17 апрель куни Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев билан учрашди.

Суҳбат чоғида асосан Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш учун ишга солинмаган имкониятлар кўплиги алоҳида таъкидланди.

**(ЎзА).**

## «Клай – На»нинг истиқболи бор

**Бугунги кунда Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган 77 та қўшма корхона сафига яна битта — "Клай-На" деб номланган корхона ҳам қўшилди. "Намангантекстил" ҳиссадорлик жамиятининг банкрот деб топилган Норин туманидаги йигирув-тўқув фабрикаси ўрнида Германиянинг "Пфафф-Зингер" фирмаси ҳамда Литвадаги турдош корхона ҳамкорлигида бунёд этилган ушбу корхона йилига 2100 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада айни пайтда 450 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда.**

## Тоғда... балиқ боқилади

**Бойсун тоғлари бағрида "Қумсой" балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Тадбиркор А. Жўраев Даҳнаижом қишлоғи ёнидан оқадиган сой ва жилғаларнинг йўлида иккита кўл қаздирди. Кўл тўлгач сув яна ўз йўлига — Шерободдарё томон оқаверади. Сунъий кўлга Қашқадарёдан балиқ уруғлари келтирди. Ва бу билан у тоғда ҳам балиқ етиштирса бўлишини исботлади.**

*Маърифат соати*

# Ҳар кимки вафо қилса...

Улуғ Бобур соҳибқирон Амир Темур яратган буюк юртни яна бирлаштиришни умид қилди. Умидларини кўп бор хиёнатлар синдирди.

Қийналгандан қийналди.

Барибир «Ҳар кимки вафо қилса вафо топқусидир...» деб турибди.

Фақат Бобур ҳазратлари эмас, тарихда умрини яхшиликларга тиккан анча-мунча тақдирларнинг ҳаёт китобларини варақласак, изтироб чекканлар, қийналганлар, баъзилари ҳатто қашшоқликда умр кечирганлар, аммо уларнинг бирортаси ҳам «Яхшилик дунёсига ўт қўй, унга ишонма, у менинг бошимга бало келтирди!» дея васият қилмаган. Лабига томизилаётган сўнгги томчини тамшаниб ҳам изидан келаётганларни эзгулик ғолиблигига ишонишга чорлайди.

Нега?

Бизнингча, бу тоифадаги инсонлар гўзал ҳиссиётлар билан яшашни, илмини, ақлини, умрини буюк мақсадларга бахш этишнинг ўзини Тангридан ўзига берилган улуғ бир ҳадядай қабул этади.

Ибн Синонинг тиб қонунларини эслайлик... Осонликча яралганмикин бу шифо усуллари...

Беруний тадқиқотлари...

Эгаларининг қанчадан қанча ранжу озорлари, бедорлиги эвазига келган бу маънавий бойликлар бугун бизни — тикланаётган миллатни илдиз бўлиб тутиб тургани ҳеч кимга сир эмас-ку.

Мен нега кўпчиликка аён бўлган бу ҳақиқат ҳақида куйиб-пишиб ёзиб қолдим.

— Фалончи бир тангалаб пул йиғиб, тўплаганларидан ҳамқишлоқ болаларга мактаб қуриб берибди. Обрў орттирмоқчи бўлган-да, назарга тушгиси келган... — дейилди даврада бир саховатпеша инсон ҳақида.

Йўқ: у инсон ўша айтилганидай овсар эмас, у ҳам жон чекиб тўплаган маблағига ялло қилиб яшашни билади. Тўғри, бунинг ҳам ёмон жойи йўқ, буям — меҳнатнинг роҳати. Аммо у ўзининг қора бошинигина ўйламайди. У бош ҳарфли Яхшилик ҳақида ўйлайди. Пешона терининг, қалб қўрининг ҳосилини беш-олти кишининг мазза қилиб яшаши учун эмас, бир мактаб ёшларнинг илмли бўлишига сарфлагиси келади. Келажакда бу сарф-харажат маърифат бўлиб, бойлик бўлиб, ор-номус, шаън бўлиб шу қишлоқ, шу юртга кўпайиб қайтишини ният қилади.

Машраб Нуринбоев деган суратказ йигитни кўпчилик билади. Бешолтита нашрда ишлайди. Тўрт танга топаман деб тўрт тарафга югуради. Оиласи унча катта эмас, ниҳоятда камтар рафиқаси, яккаю ёлғиз ажойиб қизи бор. Топгани билан аллақачон мошин минса, участка қуриб, данғиллама ҳовлиларда яшаса бўларди. Аммо у ҳамон бир хоналик уйда яшайди, давлат транспортида қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юради. Ҳар доим ёнида бир-иккита ўсмир ўғил болалар бўлади. Машрабжон уларга ўз касбини ўргатади, кийдиради, еб-ичиради. Кийдирганда ҳам чиройлик, чақмоқдай кийинтириб қўяди.

— Ҳар хил ёмон йўлларга кириб кетмаслигининг энг яхши йўли — ҳунар ўрганиш, ҳар ҳолда суратказлик ҳам ўлмайдиган касб, — деб қўяди ўзи. Мен ундай қиляпман, бундай қиляпман ҳам демайди, кўкрагига урмайди ҳам.

Демоқчиманки, бу дунёда яхшиликнинг тантанаси учун, ҳаётни эзгулик гуллари хушбўйлаштириб, хушрўйлаштириб туриши учун ҳамиша кимлардир ўз зиммасига машаққату ранжларни олиши керак экан. Ва биз бундай инсонларга қараб:

— Бечора, ҳеч нарса кўрмади, умри машаққатда ўтяпти, тиними йўқ... — деб ёзғирмаслигимиз керак экан. Уларнинг энг кичигидан тортиб энг буюгигача ҳавас ва ҳайрат билан боқишимиз жоиз экан.

Уддаласак, улар изига тушишимиз, қаватига киришимиз лозим. Уддалашга қурбсиз бўлсак:

«Ҳа, шулар борлиги учун қуёш ҳамиша кунчиқардан чиқиб кунботарда ботар экан. Яна тонгда порлар, чиқмай қолмас экан, дунёга қайта-қайта ёруғлик келаверар экан, ёки қиш изғиринларидан сўнг баҳор қайтиб келаркан, дунё гуллар экан» дея шукроналар қилишимиз маъқул экан...

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоятлар прокурорлари ўринбосарлари, ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари, вилоятлар ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнда қабул қилинган "Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида"ги қарорининг ижроси муҳокама этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ички ишлар идораларининг энг биринчи қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларини ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган, жонкуяр профилактика инспекторлари билан жамлашга алоҳида аҳамият қаратиш ҳақидаги кўрсатмаси асосида мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика хизматининг фаолиятини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, ўзаро ҳамкорликни таъминлашга асосий эътибор қаратмоқда ва бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда профилактика ишларида айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани кузатиляпти. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида умумий жиноятчилик атиги 0,8 фоизга ўсгани ҳолда, айрим турдаги жиноятларнинг сезиларли ортгани ачинарлидир.

Мажлисда жиноятларнинг профилактикасига асосий эътиборни қаратиш, айниқса, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик, бу каби иллатларни батамом бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги қатъий уқтирилди.

Бу ишларга жамоатчилик, маҳалла посбонлари, тегишли давлат ва нодавлат ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларини жалб қилиш, улар билан ҳамкорликни кучайтириш ва бу борадаги тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.**

*XXI аср спорти*



**Шри-Ланка давлатининг пойтахти Коломбо шаҳрида ўзбек кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтгани ҳақида хабар берган эдик. Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) делегацияси ана шу сафардан қайта туриб, миллий спортимизни Ҳиндистонда янада тарғиб қилиш мақсадида Деҳлида тўхтади.**

## Соня Ганди: «Ўзбек курашининг мухлисиман!»

ХКА президенти Комил Юсупов бу ерда Ҳиндистоннинг Миллий конгресс партияси раҳбари Соня Ганди хоним билан учрашди. Миллий конгресс Ҳиндистондаги энг обрўли партиялардан бири бўлгани боис ушбу учрашув мамлакат ижтимоий-сиёсий доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Ганди хоним ўзбек ва ҳинд халқларини азалдан биродарлик, дўстлик, ўзаро бир-бирини тушуниш каби самимий туйғулар боғлаб туришини таъкидлади ва ўзбек курашининг мухлиси эканлигини айтди. Шу билан бирга у мамлакатимизда демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлади.

Учрашув якунида томонлар ҳар йили Деҳлида ўзбек кураши бўйича анъанавий халқаро турнир ўтказишга келишиб олдилар. Гандилар сулоласининг вакилларидан бўлган Раджив Ганди хотирасига бағишланадиган дастлабки мусобақа 2003 йилнинг март ойида ташкиллаштириладиган бўлди. Шунингдек, Соня хоним ХКА ва Осиё кураш конфедерацияси фаолиятига имкон қадар ёрдам беражагини маълум қилди.

**ХКА матбуот хизмати.**

# ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу Конституциявий қонунда давлат ҳокимиятининг олий органлари — Президент, парламент қуйи палатаси ҳисобланган Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловнинг қонуний муддатлари аниқ ойдинлаштирилганлиги, яъни тегишли органларнинг конституциявий ваколат муддатлари тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанба кунида ўтказилиши белгиланганлиги ҳокимиятнинг сиёсий ларзаларсиз, бир маромда алмашинишини ҳамда унинг узвийлигини таъминлайдиган энг мақбул механизмлардан биридир. Бу ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан яхши маълум. Масалан, АҚШ Конституциясига мувофиқ сайловлар кабиса йили ноябрь ойининг биринчи душанбасидан кейинги биринчи сешанба куни ўтказилиши белгиланган. Бу ҳолат, авало, навбатдаги сайловлар муддатига тегишли. Навбатдан ташқари ўтказиладиган сайловлар учун белгиланадиган муддат сайлов тўғрисидаги қонунларда ўз аксини топади.

Сайлов муддатларини аниқ белгилаш орқали биз сайлов институтига тегишли барча жараёнларни маълум даражада тартибга солиш имкониятига эга бўламиз. Зеро, сайлов натижалари сиёсий курашлар маҳсулидир. Яна шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади. Бу ўз навбатида сайлов жараёнидаги сиёсий беқарорликларнинг олдини олади ва ҳокимиятнинг юқори органларида вужудга келиши мумкин бўлган бўшлиқни тўлдириб туришга хизмат қилади.

Мазкур Конституциявий қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Парламенти — Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат, қуйи палатаси — Қонунчилик палатаси, деб номланиши ҳам жаҳон андозаларига тўлиқ мос келади ва палаталарнинг функционал вазифаларини, шунингдек, уларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Парламентнинг юқори палатаси аксарият мамлакатларда Сенат деб номланиб, у амалда юқори палатанинг юридик атамаси бўлиб ҳисобланади. АҚШ, Франция, Италия каби давлатлар парламентларининг юқори палатаси Сенат деб номланади. Қуйи палата — Қонунчилик палатаси деб номланишида рамзий маъно бор. Яъни бу қуйи палатанинг қонунчилик соҳасида тегишли ваколатга эга эканлигидан далолат беради.

Дунёнинг аксарият давлатларида парламентнинг номи давлат тили таъсирида шаклланган. Бунга мисоллар кўп. Олий қонунчилик органлари Франция ва Буюк Британияда парламент номи билан (француз тилининг таъсирида), Испанияда Бош Кортеслар, Америка қитъаси мамлакатларида Конгресс номи билан аталади. Мамлакатимиз олий қонунчилик органининг номи — Олий Мажлис миллий давлатчилигимиз қонунчилик ҳокимияти рамзи сифатида сақлаб қолинди. Ўзбекистонда вужудга келадиган икки палатали парламент вакиллик демократиясини янада юқори поғонага кўтариш, энг асосийси қонунчилик ҳокимиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда республикамизда чинакам парламентаризмни шакллантириш сари қўйилган муҳим қадам бўлажак.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди. У барча давлатлар орасида ўзига хос ўрни ва сўзига эгадир. Бугунги кунда ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Ўзбекистон-АҚШ:
# Буюк ўзгаришлар сарчашмаси

ланмоқда. АҚШ Конгрессининг Ўзбекистон билан тижоратдаги барча чеклашларни бекор қилиш ҳақидаги қарори ўзаро ҳамкорлик учун янги уфқлар очади.

Истиқлол йилларида юзлаб ўзбек ёшлари «Умид» жамғармаси ва АҚШ ҳукумати дастурлари бўйича Америка университетларида таҳсил олиб қайтдилар. Ҳозирги пайтда ҳам 2 мингга яқин ўзбек йигит ва қизлари АҚШда таълим олмоқда. Хорижий тиллар ва замонавий фанларни пухта ўзлаштирган бу ёшлар мамлакатимиз истиқболининг бунёдкорларидир.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 11-14 март кунлари АҚШга қилган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон АҚШнинг Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкори ва шеригига айланди. Таъбир жоиз бўлса, тинчлик ва эзгуликни дилига туккан ҳар иккала мамлакат ўртасида катта ўзгаришларни бошлаб берувчи даврга қадам қўйилди. Бу ташриф Америка тимсолида жаҳон эътирофини намоён этди. Мамлакатимиз раҳбарияти АҚШ бошчилигидаги антитеррористик коалицияни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Буларнинг ҳаммаси Америка раҳбарияти ва халқида Ўзбекистонга нисбатан хайрихоҳлик ва дўстона туйғуларни жўш урдирди. Шундан кейин қисқа вақт ичида АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл, мудофаа вазири Дональд Рамсфельд, Конгресснинг кўпгина ҳайъатлари ва бошқа олий мартабали шахслар Ўзбекистонга келиб кетди. Улар мамлакатимиздаги тинчлик ва бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берар эканлар, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга ҳисса қўшиш ниятида эканликларини изҳор қилдилар.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга сафари чоғида Президент Ж.Буш, бугунги маъмуриятнинг олий мартабали раҳбарлари, турли вазирлик ва идоралар етакчилари, конгресс аъзолари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувларда икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, Ер юзида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризм ва диний экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тижоратига қарши кураш каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. АҚШ раҳбарияти Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини, барча зарурий соҳаларда яқиндан ёрдам беришга ҳозир эканлигини изҳор этди. 2002 йилда АҚШ томонидан Ўзбекистонга иқтисодий ёрдам ажратишга қарор қилинганлиги, Эскимбанк ва Жаҳон банки томонидан турли лойиҳаларга маблағлар ажратилаётганлиги ҳам бу ҳамкорлик истиқболига умид уйғотади.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан суҳбатлардан бирида «Биз Америка Қўшма Штатлари билан кенг қамровли алоқалар олиб бориш тарафдоримиз. Бу ҳамкорлик узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли бўлишини хоҳлаймиз», деган эди. Ўзбекистон—АҚШ муносабатларининг бугунги такомили ана шу ниятлар амалга ошаётганидан далолат беради.

**Баҳром ЖЎРАЕВ,**
**юридик фанлари номзоди.**

# Оналик ва болалик муҳофазаси – давлат эътиборида

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди***

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова бошқарди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг 2002 йилнинг биринчи чораги фаолияти якунлари тўғрисидаги, шунингдек, “Соғлом авлод” ҳамда “Қарияларни қадрлаш йили” давлат дастурларининг жорий йилнинг ўтган уч ойида бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т.Норбоева шу ҳақда маъруза қилди. Тошкент шаҳри ҳамда Наманган, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг мазкур масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида махсус комиссиялар ташкил этилиб, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

“Соғлом авлод” давлат дастурида белгиланган вазифалар изчил бажарилмоқда. Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимларидаги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи курсларда ўн саккиз минг нафарга яқин йигит-қиз ўқитилди, Оила Кодексига мувофиқ ўн икки минг нафардан зиёд ёш никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказилди. “Она ва бола скрининги”, сил касаллигига қарши кураш, “Жозибадор табассум”, “Балоғат даври” дастурлари амалиётта кенг татбиқ этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мажмуа таркибига кирувчи ташкилотлар “Қарияларни қадрлаш йили” давлат дастурини бажариш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда кекса авлод вакилларининг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида уларга мунтазам равишда аниқ йўналтирилган мурувват ёрдами берилмоқда. Ҳисобот даврида йигирма беш минг нафардан зиёд кексаларга 114,3 миллион сўмлик миқдорида ана шундай ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ПУДРАТ
## *деҳқонни даласига ошиқтирмоқда*

Дарҳақиқат, юртимизда баҳор нафаси уфураётган айни кезларда деҳқонни уйидан эмас, даласидан топасиз. Чунки сўнгги пайтларда ҳукуматимиз томонидан уларга яратилаётган бир қатор шароитлар ана шунга ундамоқда.

—Ер деҳқонга ўн йил муддатга берилгандан сўнг ўзингни унинг ҳақиқий хўжайинидек ҳис қила бошларкансан, — дейди “Бирлик” ширкат хўжалиги оила пудратчиси Жонибек Қорақулов.— Айниқса, дала ишларини бажариш, ҳисоб-китоб қилишнинг чек усулига ўтилганлиги биз учун айни муддао бўлди. Негаки, қанча ўғит, техника, ёнилғи зарурлигини мустақил ҳал этаяпмиз. Бу, албатта, кам харажат сарфлаб, кўп даромад олиш омилидир. Биргина оиламизга бириктирилган уч гектарлик майдонда ғаллани бир текисда ундириб олиш учун ўтказган агротехник тадбирларимиз деярли ортиқча харажатларсиз амалга оширилганлиги ҳам буни исботлаб турибди.

Бундай фикрларни йил бошида тадбиркорлик билан иш юритишнинг ширкат усулини танлаган мазкур хўжаликдаги ҳар бир пудратчидан эшитиш мумкин. Сабаби — барча экин майдонлари, токзору боғлар ширкатчиларга пай улушларига қараб тенг тақсимлаб берилгач, меҳнатга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Пировардида деҳқон даласидан, боғбон боғидан бери келмай қолди.

—Бир пайтлари мажбурлаб далага олиб чиқилган одамларимиз эндиликда ўзларига ажратилган майдонларнинг этакларига чайла қуриб олишди,— дейди бош ҳосилот Сайдали Эгамбердиев. — Албатта, буларнинг барчаси деҳқонларимизнинг эртанги кунга нисбатан ишончининг орта бошлаганини кўрсатади.

Чиндан ҳам, Юқори Чирчиқ туманининг “Бирлик” ширкат хўжалиги деҳқонлари учун яратилган бундай имконият уларни янги меҳнат зафарлари сари чорлаамоқда. Ана шу ишларнинг самараси туфайли мавжуд 650 гектардаги ғаллазорлар бўй чўзиб, бошоқлай бошлади, плёнка остига қадалган уруғлар эса чинбарг чиқараяпти. Бу бўлғуси мўл ҳосилдан нишонадир.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТДА: пудратчиларга ажратилган ҳар бир майдон харитаси ана шундай тартибда махсус тахтачаларга ёзиб қўйилган.**
**Е. БОТИРОВ олган сурат.**

*Ташаббус*

# Хусусий меҳмонхона

Хусусий тадбиркор Абдураззоқ Рашидовни анчадан буён бир ўй қийнаб келарди. Сирдарё шаҳрига тунда поездда келувчи меҳмонлар учун қўналға муаммоси мавжуд эди. Бу масала қиш пайтида янада оғирлашар, баъзида айрим меҳмонлар совуқ бекатда ўтириб тонг оттирарди.

Шунда у ўз фарзандлари билан маслаҳатлашиб, темирйўл бекати ёнидаги ташландиқ жойга икки қаватли бино тиклади. Яқинда меҳмонхонанинг очилиш маросими ўтказилди. Унга туман ва шаҳар ҳокимиятидагилар ҳам таклиф этилди. Бу ерга тўпланганлар 12 хонадан иборат бу меҳмонхонада шаҳарга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун барча қулайликлар мавжудлигини кўриб, Абдураззоқ аканинг савобли ишга қўл урганлигига тасаннолар айтишди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Бозор инфратузилмаси*

# МАРКЕТИНГ – барқарор фаолият гарови

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу тадқиқотлар нафақат маҳсулотларни сотиш, балки уларни ишлаб чиқаришга кетган вақт ва маблағларни тежаш борасида ҳам ёрдам беради. Шу маънода, раҳбарнинг бунга эътибори келажакда корхона равнақи, бу ерда ишловчиларнинг ҳаёт тарзи ва фаолиятини белгилайди, десак янглишмаймиз. Сабаби — маркетинг тадқиқотларига қараб, маъмурият истиқболда қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг салмоғи, модели ҳақида аниқ хулоса чиқара олади.

Маркетинг концепцияси харидорнинг эҳтиёжи ва хоҳишини тўла қондиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Агар бу тадбир йўлга қўйилса, омбор учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг олди олинади. Аҳоли талаб ва истагини ўрганиш асосида харидорбоп маҳсулотларнинг ҳажми кенгаяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхонада маҳсулот тайёрлашда иккита асосий омил — ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлиги ва бошқарув тизимининг салоҳияти катта роль ўйнайди. Буни “Ўзбекчармпойабзал” уюшмаси корхоналари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳозирда бу уюшма тизимида 28 та пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси, шу жумладан, 15 та акциядорлик жамияти, 7 та қўшма корхона ва 2 та хусусий корхона ишлаб турибди. Афсуски, сўнгги пайтларда бозорларимизни ана шу корхоналарнинг маҳсулотлари эмас, балки ҳеч қандай сертификатга эга бўлмаган, сифатсиз, қўшни давлатларда ишлаб чиқарилган пойабзаллар деярли эгаллаб ола бошлади. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида уюшма раҳбарияти чет эл инвесторлари ва маҳаллий банклардан олинадиган узоқ муддатли кредитлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан молиявий қўйилмаларни кўпайтириш дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этишга киришди. Оқибатда тизимда янги қўшма корхоналар очилиб, кўплаб янги иш ўринлари очиляпти. Энг асосийси, аҳолига жаҳон андозаларига мос, хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган пойабзаллар ишлаб чиқаришга имконият яратилмоқда. 1995 йилда ташкил топган “Ўзсаламан”, “Янги вега”, “Кофра” сингари қўшма корхоналар фикримизнинг далили бўла олади.

Маркетинг тадқиқотлари ўтказишнинг бошқа бир сабаби — бу рақобатчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ўрганишдан иборатдир. Бунда, айниқса, жойларда очилган ўнлаб фирма дўконлари аҳолининг корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаби ва таклифини ўрганишда муҳим восита бўлиб хизмат қилаётир. Қўшма корхоналар маҳсулотларига бўлган талаб эса Ҳамдўстлик давлатларида очилаётган савдо уйлари ва ваколатхоналар орқали амалга оширилаяпти. Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги “Даритал” қўшма корхонасининг “Савдо уйи” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Яна бир масала. Биз кўп ҳолларда ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг рекламасига, унинг қадоқланишига кўп ҳам эътибор беравермас эдик. Маркетинг тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, булар ҳам маҳсулотнинг харидоргир бўлишида муҳим ўрин тутар экан.

Хулоса шуки, маркетинг тадқиқотлари мавсумий иш эмас. Ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг рақобатбардош бўлишини истаган жамоа, албатта, бунга жиддий эътибор беради. Бу эса келажакда истиқболли ва харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда маҳаллий бозорни сифатли маҳсулотлар билан бойитишнинг гаровидир.

**Улуғбек САГАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.**

*Яхшидур аччиқ ҳақиқат*

# ҚОНУНБУЗАРЛАР

Ер — бебаҳо бойлик. Ризқ-рўз манбаи. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий даромади ва фаровонлиги айнан ердан қандай фойдаланиш билан боғлиқ. 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равишда фойдаланиш ҳолатлари ҳар қадамда учраётганлиги жиддий танқид қилинди.

Бундай ҳолат Самарқанд вилоятида ҳам мавжуд эканлигини инкор этиб бўлмайди. 2001 йил мобайнида вилоят прокуратураси томонидан «Ер тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилди. Унинг натижалари кўплаб хўжаликларда ерга нисбатан ўзбошимчалик, хўжасизлик ҳоллари авжига чиққанини кўрсатди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 майдаги 212-қарорига асосан вилоятда ғалладан бўшаган ер майдонларига такрор экинлар экиш режалаштирилмаган эди. Аммо жойлардаги қишлоқ хўжалик раҳбарлари ва мутасадди ходимлар мазкур қарор ижросига эътиборсиз қарашди. Экилган экин турлари бўйича ҳисоботлар статистика органларига тақдим этилмади. Режадаги экинлар ўрнига режалаштирилмаган экинлар экилиб, ҳисоботдан яширилди. Бу ишлар замирида фақат шахсий манфаатлар ётарди.

Мисолларга мурожаат этайлик. Челак тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Исомиддин Ўролов ўзининг масъулиятсизлиги туфайли жиноятга кенг йўл очиб берди. Бундан фойдаланган хўжалик раҳбарлари мансабларини суиистеъмол қилиб такрорий экинлар экишни авж олдириб юборишди. Ваҳоланки, улар сув танқислигини, бундай дамда оби ҳаётнинг ҳар томчиси тиллога тенг эканлигини жуда яхши билардилар.

Оқибатда 686 гектар пахта майдони қаровсиз қолди. Бу майдонларга мўлжалланган сув ноқонуний экилган такрорий экинларга оқизилди. Минерал ўғитлар ҳам тўлиғича ғўзаларга берилмади. Мўлжалдаги пахта ҳосилининг етиштирилмагани ҳеч кимни ташвишлантирмади.

Бунинг устига чигит экилмаган 83 гектар майдонда пахта етиштириляпти мазмунида ҳисоботга киритилди. Ана шундай қўшиб ёзиш ортидан 8 миллион 881 минг сўм маблағ ўзлаштириб юборилди.

Қўшиб ёзиш йўли билан шахсий манфаатларнинг давлат манфаатидан устун қўйилиши тумандаги «Бурқут» хўжалигига 32 миллион 199 минг сўм, «Каттатурк»ка 29 миллион 95 минг сўм, «Ўзбекистон» хўжалигига 19 миллион 85 минг сўм, Амир Темур номли хўжаликка 18 миллион 39 минг сўм, М. Ярланабов номли хўжаликка 15 миллион 981 минг сўм, Ал-Бухорий номли хўжаликка 11 миллион 833 минг сўм, «Манибод»га 11 миллион 261 минг сўм, «Оққўрғон» хўжалигига эса 9 миллион 907 минг сўм зарар етказди. Жами зарарнинг 162 миллион 876 минг сўмга етганлиги туманда хўжасизлик ҳолатларининг қай даражага етганлигини яққол исботлаб турибди.

Афсуски, Челак туманидаги қўшиб-ёзиш, ерни алдаш, шахсий бойлик орттириш йўлидаги ноқонуний ҳаракатлар бу билан чегараланмайди. 2000 йилнинг ноябрь ойида Исомиддин Ўролов «САР» авиакомпанияси томонидан бажарилган ишлар миқдорини ошириб кўрсатиш ҳақида ғайриқонуний кўрсатма беради. Бунинг натижасида ҳеч қандай иш бажарилмаган 624 гектар майдон дефолиация қилинди, деган ёлғон маълумот тузилади. Унга асосан туман ўсимликларни ҳимоя қилиш идораси «САР» авиакомпанияси ҳисобига бажарилмаган ишлар учун 2,4 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказиб беради. Бу эса хўжаликлар иқтисодиётига сезиларли даражада зарар келтиради.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Челак туманида пахта ҳосилдорлиги 8,3 центнердан ошмагани асосли равишда танқид қилинди. Қолоқлик илдизлари қаерда эканини эса юқоридаги мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

Тергов натижасига кўра, туман ҳокими И. Ўролов, унинг биринчи ўринбосари Н. Абдуназаров, 9 та ширкат хўжалиги раислари, бош ҳосилотлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми турли бандлари, 208-моддаси билан айбланувчи тариқасида жалб қилиниб, бу жиноий иш бўйича айбдорлар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Бундай қонунбузилиш ҳолатлари Пайариқ туманида ҳам аниқланди. Бу ерда жамоа манфаатларига 4 миллион 16 минг сўм зарар етказилган. Пастдарғом, Каттақўрғон, Иштихон туманларидаги айрим хўжаликлардаги ноқонуний ишлар ҳам прокуратура ходимлари нигоҳидан четда қолмади.

Вилоят бўйича ўтказилган текширишларда пахта ўрнига 76,41 гектар, ғалладан бўшаган ерларга 4431,34 гектар, жами 4507,75 гектар ўзбошимчалик билан такрорий ва кўзда тутилмаган бошқа экинлар экилишига йўл қўйилган. Прокуратура аралашуви билан 4327,71 гектар ер майдонига 2778 та 50 фоиз ҳисобида 169 миллион 345 минг 800 сўмлик шартномалар туздирилиб, статистика ҳисоботларига киритилди.

Фермер хўжаликлари томонидан жами 1038,7 гектар ер майдонига ноқонуний равишда такрорий экинлар экилиб, ҳисоботларда кўрсатилмагани аниқланди.

Текширишлар натижаларига кўра 15 та жиноят ишлари қўзғатилди. Етказилган зарар 172 миллион 954 минг сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 90 та тақдимнома киритилган, 38 нафар киши расман огоҳлантирилган, 80 нафар шахс интизомий, 416 киши маъмурий ва 4 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилган. 686189 сўм ихтиёрий равишда ундирилган, судларга 4 миллион 71 минг 300 сўмга 27 та даъво аризалари киритилган.

Ўтган йили вилоятнинг Гўзалкент туманида пахта ҳосилдорлиги 13,2 центнер, Пайариқда 10,2 центнер, Каттақўрғонда 18,7 центнердан ошмаганининг сабаблари ҳам бебаҳо бойлигимиз бўлган ердан хўжасизларча фойдаланиш оқибати эмасми? Лекин ер эгасиз эмас. Унинг ҳар қаричи ҳисобда. Буни ундан ноқонуний фойдаланишга ҳаракат қилаётганлар билиб қўйишлари шарт.

**Акбар АЗИЗОВ,**
**Самарқанд вилояти прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.**

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КЛУБ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАЙДИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қашқадарё вилоят кенгаши Карияларни қадрлаш йили муносабати билан “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” клубини ташкил этди.

Бундан асосий мақсад ёшларни кексаларни қадрлаш, оталар ва болалар муносабатига хос ибратли асрий қадриятлар ҳамда истиқлол йилларида мамлакатимизда қарор топаётган инсон шахсини эъзозлаш билан боғлиқ замонавий анъаналар руҳида тарбиялашдан иборат.

Ҳар бир хонадонда осойишталик, аҳиллик, жамиятда барқарорлик муҳитини яратишда ёши улуғ кишиларнинг ҳаётий тажрибаси ғоят катта аҳамиятга эга. Клуб “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда иш олиб боради. Унга вилоятдаги уруш ва меҳнат фахрийлари, эл-юрт ўртасида обрў-эътиборли қариялар аъзо бўлган.

**ЎзА.**

Мухбиримиз сафардан қайтди

# ОЛҚИШ ВА ЭЪТИРОФ



Наманганни гуллар шаҳри дейишади. Баҳаво ва сўлим табиати, равон ва озода кўчалари, кўнгилочар гуллари сероблиги боис шундай ном олган бўлса не ажаб. Аммо вилоятнинг бугунги ҳаёти билан батафсил танишган киши шу таъриф билангина қониқмаслиги аниқ. Сўнгги йилларда кўплаб замонавий шифохона ва поликлиникаларнинг қурилиши, аввалдан борларининг қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларидаги аниқ ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланиши вилоятнинг аҳоли саломатлиги хусусида астойдил қайғуриладиган гўшага айланганидан дарак беради. Янами? Яна Наманган ҳақли равишда мамлакатимизнинг спорт ривожланган вилоятига айланиб бормоқда. Ҳар қандай даражадаги беллашувларга мезбонлик қила оладиган гўзал иншоотларнинг тобора кўпаяётгани, аксар спорт мусобақаларининг — республика чемпионатлари ва биринчиликлари, кубок баҳслари ва энг муҳими, халқаро турнирларнинг шу вилоятда ўтказилаётгани фикримизнинг далилидир.

Шунинг учун бўлса керак, Наманган республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан "2001 йилнинг энг яхши спорт вилояти" деб эълон қилинди.

### Баъзи бир маълумотлар

*Бугун вилоятда қўйилган талабларга жавоб берадиган жами 28 та стадион, 473 та спорт зали, 21 та сузиш ҳавзаси, 580 та баскетбол, 1690 та волейбол, 510 та футбол, 374 та қўл тўпи, 403 та мини футбол майдончалари, 39 та теннис корти, 1 та велотрек, 2 та отчопар аҳоли ихтиёрига берилган бўлиб, уларда 580 мингдан ортиқ киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади. Шулардан 260 мингдан ошиғи вояга етмаган ёшлардир. Бу иншоотларнинг қайси ташкилотга мансублигидан қатъий назар уларнинг барчасида 16 ёшга тўлмаган болаларга, ногиронларга, етимларга, нафақахўрларга имтиёзли ёхуд бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. 671 та таълим мактабларининг 408 таси замонавий спорт залига эга, 98 фоизида ёзги спорт майдонлари мавжуд, 10 тасининг эса сузиш ҳавзаси бор.*

### Паҳлавонмисан "Паҳлавон"

Тошкент томондан Тўрақўрғон тумани орқали Наманган шаҳрига кириб боравергангиз "Навбаҳор" марказий стадиони, "Дўстлик" теннис корти каби кўплаб спорт мажмуаларига кўзингиз тушади. Улар орасида ажиб кошона борки, у ўз гўзаллиги, салобати, қулайликлари билан ажралиб туради. Бундай иншоотлар, менимча, нафақат Ўзбекистонда, Марказий Осиёда ҳам бармоқ билан санарли бўлса керак. Уни "Паҳлавон" деб аташади. Исми жисмига монанд мазкур мажмуада мунтазам мусобақалар ташкиллаштирилади. Халқаро турнир дейсизми, республика ё вилоят биринчиликларини шу қаторга киритиш мумкин. Ўзиям чин паҳлавонлар беллашади-да бу ерда.



Ҳар доим спорт ихлосмандлари билан гавжум бўладиган ушбу маскан, айниқса, "Универсиада-2000" ўйинлари даврида узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг мақтовини олди. Зеро, 20 ўринли шинам меҳмонхона, сауна, маиший хизмат ва маданий дам олиш хоналаридаги қулайликлар жаҳон андозаларига монанд. Мусобақаларни кўргани келган томошабин астойдил ҳордиқ чиқариши учун етарли шароитлар яратилган.

### Шокир Қорабоевнинг айтганлари

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси сифатида бир нарсадан ҳурсанд бўламан. Жуда кўплаб нуфузли мусобақаларни ўтказиш Наманганга ишониб топширилаяптими, демак ёмон ишламаяпмиз. Жумладан, 2001 йилда ташкил қилинган беллашувларнинг айримларини санаб ўтсак: 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида теннис бўйича халқаро турнир, қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати, кураш бўйича мамлакат биринчилиги, шахмат ва велоспорт бўйича халқаро турнирлар, каратэ ва таэквандо бўйича республика чемпионатлари, бокс бўйича вилоят ҳокими соврини учун халқаро турни, ёки мана, кўпкунлик велопойга, минифутбол, белбоғли кураш бўйича мусобақаларни олинг.

Чорак ёки йиллик иш режаларимизни тузишда, биринчи навбатда, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271 сонли қарори талабларига эътибор қаратамиз. Ана шу қарор талабидан келиб чиқиб сўнгги йилларда вилоятимизда янгидан 15 та ( 11 та туманларда, 4 та шаҳарда) спорт-соғломлаштириш клублари очилди. Вилоятимизнинг спорт ҳаётидаги янгиланишларга "Универсиада-2000" ўйинлари катта туртки бўлди. Биз ҳалиям ўша кайфият — ишчанлик, завқ-шавқ билан яшаяпмиз.

### Касаба уюшмалари билан ҳамкорлик

Наманганга борганингизда Ғуломжон Тожимирзаев ҳақида сўрасангиз, уни билганлар хушчақчақ, самимий суҳбатдош, ўз касбини севадиган масъулиятли инсон сифатида таърифлашади. Ким экан дейсизми? Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти котибиятининг мудири, холос. Бироқ тилга олаётганимиз ютуқларда унинг ҳам, оз бўлса-да, ҳиссаси бор. Идораси вилоят спорт қўмитаси биносида жойлашган. Бу эса икки ташкилотнинг қанчалик узвий алоқада эканлигидан, бир-бирининг ютуғидан астойдил қувонишидан, камчиликларни тузатишда доимо елкадошлигидан далолат беради. Афсуски, ҳамма вилоятларда ҳам шундай ҳамкорлик қилинади, деб айта олмаймиз.

Жамиятга аъзо спорт жамоаларининг сони 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 70 тага кўпайиши, уларда шуғулланувчилар сони қарийб 1000 нафарга ортиши котибиятнинг хизмати. Тўрақўрғон туманида қишлоқ аёллари ўртасида спортнинг 7 тури бўйича спартакиада ўтказилиши эса янгилик бўлди. Унда 300 дан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Мусобақа мусобақа билан. Аммо бу тадбир меҳнаткашларнинг, айниқса, қишлоқ аёлларининг саломатлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Яна бир гап: бугун вилоят касаба уюшмалари спортчиларидан 14 нафари у ёки бу тур бўйича мамлакат терма жамоаларининг аъзоси ҳисобланади.

### Попдаги кичик универсиада

Бу гапни шу туманда ўтаётган мусобақани кўргани борганимизда республика Белбоғли кураш федерацияси бош котиби Рустам Исоқов тантанали очилиш маросимидан таъсирланган пайтда айтди. Ҳаммамиз қўшилдик. Тўғрида, ёшлар ўртасида мамлакат биринчилигининг катта тадбирга айланиб кетишини полвонларнинг ўзлари ҳам кутишмаган экан. Кўргазмали чиқишлару дилтортар куй-қўшиқларни айтинг. Олий Мажлис депутати Рустамжон Исматуллаев бошчилигидаги туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотларининг спортчиларга эътиборидан-да бу. "Дўстлик" стадионидаги бир соатлик байрам полвонлар беллашувига уланди. Қизғин баҳслардан сўнг И.Умаров, Р.Умаров, Д.Абдураимов, Ш.Эгамбердиев, С.Турдиалиев, Б.Бойматов, А.Хўжаматов ва М.Баҳромовлар ўз вазн тоифаларида ғолиблик нашидасини сурдилар. Энди улар республика терма жамоасига номзод сифатида халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўришади.

— Туманимизда иккита футбол командаси ("Ғаллакор", "ПопФЕН") фаолият кўрсатмоқда. Ёшлар орасида спортнинг каратэ, таэквандо, кураш, чавандозлик каби турлари айниқса тез ривожланмоқда, — дейди касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман кенгаши раиси Тўйчиали Абдалиев. — Яқинда янги сузиш ҳавзаси ва 2 та теннис корти фойдаланишга топширилди. Марказий ўйингоҳ қошида эса 40 ўринли меҳмонхона қуришга киришилган. Эндиги мусобақаларимизга ташриф буюрадиган спортчи-ю меҳмонларимиз ана шу шинам масканнинг қулайликларидан баҳраманд бўлсалар ажабмас.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**
**Наманган—Тошкент.**

Чемпионат якунланди

## У-шу қанақа спорт?



У-шу ҳақида кўпчилик эшитган. Аммо мазкур спорт турининг моҳияти, каратэ каби ўйинлардан қандай фарқ қилиши ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмас. Бунинг учун тез-тез беллашувлар ташкиллаштириб туриш яхши самара бериши табиий. Яқинда МҲСК мажмуида бўлиб ўтган мусобақа шу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этди, деб ўйлаймиз.

Ўсмирлар ўртасидаги Тошкент шаҳар очиқ чемпионатида 250 нафардан ошиқ ёш спортчилар у-шу сирларини қанчалик ўрганаётганликларини намойиш этишди. Анаънага кўра ғолибларга федерациянинг медаль ва дипломлари, қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

# ТИЛСИЗ ДЎСТ

### ёки тут дарахтининг хосиятлари хусусида

Ҳар гал Жиззахга — қирчиллама ёшим ўтган маконга кириб борганимданоқ ҳовли ўртасидаги тутга қарайман ва уни «Омонмисан, қария!» дея силаб-сийпаб қўяман. Силаганим сайин тут яйрагандек бўлиб кўринаверади. Демоқчиманки, ҳовлига кириб борганимдан биринчи саломлашганим ана шу тут бўлади. Тут ҳақида бунчалар ёзишга не ҳожат, дерсиз. Унинг сабаблари кўп. Аввало, тутга кўзим тушганиданоқ, дадам ва аямларни кўргандек бўламан. Чунки, уларни тут тагида солинган кўрпача устида гурунглашиб ўтирганларини ҳануз соғинаман.

Шу тутнинг тагида, дадам билан суҳбатлашган дамларим, тут билан боғлиқ воқеаларни тўлқинланиб гапириб берганлари кечагидек ёдимда. У вақтларда 14-15 ёшли бўз бола эдим. Дадамларнинг суҳбатларига берилиб кетганимдан, азбаройи қорним очиққанини ҳам сезмай қолардим.

50-йилларнинг бошларида хўжалигимиздаги эгри-бугри кўчалар ўрнига 14 та равон кўча қуриладиган бўлди. Уйимиз ва яна иккита катта тутимиз (улар 4 та эди) қурилажак кўчанинг қоқ ўртасига тушиб қолса бўладими? Хайриятки, дадам эъзозлаётган тут кўчадан сал нарироқда қолди. Чунки бу тутнинг баргини дадам «Ипак қуртига оламиз, раис юборди», — дегувчиларга ҳам бермаган.

— Ахир, бу тут неча-неча одамларни очликдан, ўлимдан сақлаб қолган, билсаларинг! Бор ўша раисингга айт, кесиладиган тут йўқ. Ҳа, ҳа, Нормат оқсоқол қўймаяпти, деб айтинглар. Раисинг билан ўзим гаплашаман, — дердилар.

Дадамнинг айнан шу тутни деб уйнинг бузилишига ҳам, бошқа иккита тутимизнинг кесилишига ҳам рози бўлганлари ҳайрон қолдирарди мени. Тут янги ҳовлимизнинг бир четигагина илиниб қолди.

— Хайрият, тут ҳовлимизга тушмай қоладими, деб қўрққан эдим, — дедилар дадам.

— Нега бу тутни жуда ардоқлайсиз, унинг нима каромати бор? — деб сўрадим бир кун.

— Кароматлилиги шундаки, — дедилар дадам, — (отамнинг айтишларича, гап Боймат бобом ҳақида кетмоқда) бу тутнинг ёши 350 дан ошган. Демак, у салкам 5-6 авлод ёши билан тенг. Эшитгансанми-йўқми, Сангзор дарёси уч марта қирғоғидан ошиб-тошиб кетди, бутун колхозни сел босди, уйлар қулади, қўй-қўзилар, хашаклар, кўрпа-ёстиқлар бешиклар оқиб кетди. Шунда 20-25 чоғли одам тутнинг шохларига чиқиб олди. Тоғимиздан эса шиддатли сув оқяпти. Жонимизни ҳовучлаб ўтирибмиз. Биров нола қилади, кимдир фотиҳа ўқийди. Хуллас, тут уч селда ҳам қимир этмай, елкасида 25-30 одамни кўтариб қутқариб қолди.

Орадан анча муддат ўтди. Бир сафар дадам иккаламиз тутнинг тагида турсак, оёғимизнинг тагига «тўп» этиб қалпоқ тушди. Шунда тепага қарасам уч-тўрт бола тутга чиқиб олган экан, улардан бири бизга қараб, кўрсаткич бармоғини лабларининг устига қўйди. Кейин билсам, болалар бекинмачоқ ўйнашаётган ва бехосдан бирининг дўпписи тушиб кетган экан. Шунда дадам мийиғида кулдилар-да, бир воқеани сўзлаб бердилар:

— Оқ подшо маҳаллий халқ вакилларини мажбурлаб мардикорликка олганини тарихдан ўқигансан. Навқирон йигитларнинг кўпи ўша томонларда нобуд бўлган. Охир-оқибат Жиззахда оқ подшога қарши қўзғолон кўтарилган. Аҳолининг аксарияти Учтепа чўллари томон қувилган. Қама-қама бошланган. Дарғазаб аскарлар ҳамма жойдан қўзғолончиларни қидиришган. Айтишларича, чўлга кетмай қолган қўшни йигитлар кўкиш либос кийиб тутнинг қалин барглари орасига бекинишган.

Ана шундай, бу тут яхши инсонларни, бутун бир авлодни нафақат ўз меваси билан, балки вужуди, япроқлари билан ҳам асраб-авайлаб қолган!

Дадам сўзлайдилару мен тутимизга қараб-қараб қўяман. Шохлари икки марта қуриди, яна кўкарди, қанот ёзди.

— Фашизм вабоси Жиззахни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Очликдан ўлиб қолганлар кўп бўлди, — деб суҳбатни давом эттирдилар дадам. — Қўни-қўшниларимизни, қолаверса, уйимиздагиларни ўша очарчиликдан омон-омон сақлаган ана шу тут бўлади. Ҳар куни тут қоқилади, 15-20 одам тутнинг тагида ўрмалайди, тўкилганини териб ейди. Қолганини дўпписигами, косасигами солиб, уйига олиб кетади, қоқи қилади, бу — «тут майиз» дегани, сиқиб сувини олади, бу эса «шинни» дегани. Ана шу тут майиз, тут талқону шиннилар авлодимизни сақлаб қолди.

Дадам хаёлга чўмади. Ўйлайман. Шунчалар сир-синоатга мўл экан-сан-да, қадрдоним тут!

Бу гапларга ҳам 45-50 йиллар бўлиб қолгандиров. Ҳалиям тутимиз ўшандай мағрур турибди.

Бир ҳодисани ҳали-ҳануз эслайман. Бу воқеа дадам қазо қилгач, уларни тупроққа топшириб қайтганимиздан сўнг рўй берди. Маслаҳатгўйимиздан ажралиб қолгач, дод солиб тутимизни қучоқлаб йиғладим. Шунда елкамга томчи томгандек бўлди. Ҳаво иссиқ, августнинг нақд ўрталари эди. Сесканиб атрофга қарадим, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Томчи қаёқдан томдийкин, деб тутнинг тепасига қарадим. Воажаб, қарангки унинг бир шохи «мотамсаро» эгилган эди, икки баргнинг учида милтиллаган сув томчисини кўрдим. Таассуфки, ўша вақтда тутимиз оғир айриликдан мен билан қўшилиб «йиғлаганини» билмаган эканман...

Мен тутнинг шифобахшлиги ҳақида гапирмадим, бу ҳақда мутахассислар ёзишар. Аммо унинг инсонга яхши дўст эканлигини ич-ичимдан ҳис этаман. Зеро, юқоридаги воқеалар бунинг тўла-тўкис исботидир. Шу туфайли ушбу воқеалар сабоқ бўлар деган мақсадда севимли газетам орқали буни миллионлаб ёшларга илиндим. Токи тутлар кўпроқ экилсин, токи инсоннинг тили йўқ дўсти — тут дарахти ҳар бир ҳовлида гуркираб ўсаверсин!

**Солижон БОЙМАТОВ,**
**«Маънавият ва маърифат» маркази Янгийўл шаҳар бўлими раҳбари.**

Табиат ва инсон




Шошилинг!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

қойилмақом ютуқ —

БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!




Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

7 мартдан бошлаб ўйинга қўйилган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.




*Ўйин шартлари:*

- *ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.*

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳаёти» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!
Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

5491

«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ D28, H18; D20, H15 ЎЛЧАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09.
Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.

5629/742


## САВОЛ БИЗДАН...

**Японлар ўз давлатларини яна қандай ном билан атайдилар?**

136-35-60

**Кечаги сонда берилган нақлнинг давоми:**

*... мезондан сўнг ёз бўлмас.*

Бу ҳақда тошкентлик Шокир Мирзаев хабар берди.

## Муаллимлар совриндор бўлишди

**Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ижодкор ўқитувчилар танловини ўтказди. Туманлар, Нукус ва Тахиатош шаҳарларидан ғолиб деб топилган муаллимлар нуфузли ҳайъат синовидан ўтдилар. Нукус туманидан С. Хўжаметов, қораўзаклик Б. Пирекеев ва нукуслик О. Аллабоева танлов совриндорлари бўлишди.**

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги жамоаси вазирликнинг бўлим бошлиғи Ёдгор Файзуллаевга волидаи муҳтарамаси **ҚУНДУЗХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздавнефтгазинспекция» жамоаси Фарғона вилояти бўлимининг собиқ бош технологи **Бурҳониддин САГДИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент юридик коллежи жамоаси «Иш юритиш ва информатика» кафедраси мудири Озода Акрамовага турмуш ўртоғи **Зоир АКРАМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Элликқалъа туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, жиноий ишлар бўйича суди ва ички ишлар бўлими Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари Абдулла Рўзимбетовга онаси **Тўхтажон ҲАЙИТБОЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 376. 34017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 21.50 1 2 3 4 5 6